

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.29.11.2017.San.54.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

МУХАМЕДОВА ФЕРУЗА НУРМАХМАТОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ФОРТЕПИАНО МУСИҚАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ,
ЖАНРЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ**

17.00.02 Мусиқа санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УЎК: 780.616.432(575.1)

**Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по искусствоведению**

**Content of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)
on art history**

Мухамедова Феруза Нурмахматовна

Ўзбекистон фортепиано мусикасининг шаклланиши,
жанрларининг ўзига хослиги ва интерпретацияси.....3

Мухамедова Феруза Нурмахматовна

Фортепианная музыка Узбекистана, формирование,
жанровое своеобразие, интерпретация.....21

Mukhamedova Feruza Nurmakhatovna

The piano music of Uzbekistan, shaping, specificity of genre,
interpretation.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....47

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.29.11.2017.San.54.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

МУХАМЕДОВА ФЕРУЗА НУРМАХМАТОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ФОРТЕПИАНО МУСИҚАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ,
ЖАНРЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ**

17.00.02 Мусиқа санъати

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/San38 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат консерваториясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада www.konservatoriya.uz. манзилига ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz. манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ғофурбеков Тўхтасин Ботирович
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Янов-Яновская Наталья Соломоновна
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Мурадова Дилора Ахмедовна
санъатшунослик фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

ЎЗР ФА Санъатшунослик институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.29.11.2017.San.54.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил “__” _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 239-46-53; факс: (99871) 244-53-20; E-pochta: info@konservatoriya.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат консерваториясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100027, Тошкент, Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 239-46-53.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “__” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Н.Азимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Ш.И.Айходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, санъатшунослик фанлари номзоди

Р.Ю.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
санъатшунослик фанлари номзоди, профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон муסיқа маданиятида асрлар оша шаклланган фортепиано санъати бугунги кунга келиб композиторлик ижодиёти ва ижрочилик соҳаларини янада шиддат билан ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Бу ўринда фортепиано учун яратилган асарларнинг мавзу, жанр ҳамда ижрочилик санъатининг композиторлик ижодиёти ва таълим соҳаларидан иборат ягона мажмуий жараён сифатида илмий тадқиқ этиш устувор йўналишлардан бири бўлиб турибди.

Жаҳон муסיқа илмида XX–XXI асрлар оралиғида яратилган фортепиано мумтоз асарларининг лад тузилиши, ритмик структураси ва шакл масалалари муסיқашунос ҳамда муסיқачи-ижрочилар томонидан илмий-назарий ёритилган. Шу билан бирга фортепиано муסיқасининг турли ижрочилик мактабларига хос хусусиятларни ёритиш, бадиий интерпретация муаммолари, “композитор – ижрочи – тингловчи” муносабатининг моҳияти, фортепиано санъатининг замонавий жаҳон маданиятида тутган ўрни ва аҳамиятини асослаб бериш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон композиторларининг миллий анъаналарга таяниб яратилган асарлари нафақат мамлакатимиз саҳналарида, балки хорижий давлатларда ҳам юртимиз фортепиано мактаби намояндаларининг маҳорати ила юксак даражадаги эътирофга сазовор бўлмоқда. “Муסיқа санъати соҳасида жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари, ижодий марказлар, таниқли композитор, муסיқачи ва ижрочилар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жумладан, хорижий мутахассисларни мамлакатимизга таклиф этиш билан бир қаторда республикаимизда юқори натижаларга эришган муסיқачи ва педагогларнинг маҳорат дарсларини чет давлатларда тизимли ташкил этиш”¹ каби муҳим вазифалар белгиланди. Демак, бу борада юртимиз композиторлари яратган фортепиано асарларини илмий тадқиқ қилиш, миллий фортепиано мактаби натижаларини таълим тизими ва муסיқа амалиётида унумли қўллаган ҳолда жаҳонда тарғиб қилиш бугунги кун талаби бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3178-сон “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари хусусида”ги, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш хусусида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3178 – сон қарори. Электрон ресурс: <http://lex.uz/docs/3300309>.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фортепиано жанрларининг тарихий-назарий ва мусиқий-танқидий жабҳалари Б.Асафьев, А.Алексеев, Н.Горюхина, Е.Назайкинский, К.Зенкин, Л.Гаккель ишларида кўриб чиқилган¹. Ўзбекистон мусиқашунослигида фортепиано санъати муаммолари алоҳида мусиқашунос ва пианиночи-ижрочиларни жалб қилиб, улар томонидан тадқиқ этилиб, асарларнинг жанрга оид, образ-мазмуний ва композицион ўзига хосликлари ёритилган, композицияларнинг ижро таҳлиллари таклиф қилинган.

Ўзбекистонда фортепиано мусиқаси жанрларининг вужудга келиши ва уларнинг XX асрда ривожланиши ўзбек мусиқаси тарихига бағишланган нашрларда, шунингдек, В.Головина, Н.Янов-Яновская, Т.Гафурбеков каби мусиқашунослар тадқиқотларида ўрганилган². Ўзбекистон фортепиано мусиқаси ривожланишини ўрганишда фортепиано асарларининг илк намуналари мисолида В.Головина ишлари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон фортепиано ижрочилигини ўрганишда «История фортепианного, камерного и ансамблевого исполнительства в Узбекистане» номли ишида республикада мусиқий таълимнинг шаклланиш жараёнлари, Москва ва Санкт-Петербург консерватория намояндалари пианиночи-педагогларнинг фаолияти, XX аср ижрочилиги масалалари ёритилган. Чолғу ижрочилигининг генезисини аниқлаш Т.Вызго тадқиқотида амалга оширилган. Фортепиано ансамбли ва фортепиано концерти жанрлари Т.Головянц, Л.Ганиева, В.Закировлар диссертацияларида ишланган³.

¹Горюхина Н. Эволюция сонатной формы. - Киев, 1973; Алексеев А. История фортепианного искусства. Части 1 и 2. – Москва, 1988; Алексеев А. Интерпретация музыкальных произведений. - М., 1984. Киев, 1973; Назайкинский Е. Стиль и жанр в музыке. - М., 2003; Зенкин К. Фортепианная миниатюра и пути музыкального романтизма. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора искусствоведения. - Москва, 1996; Гаккель Л. Фортепианная музыка XX века. – Ленинград 1976.

²История узбекской советской музыки. - Т.,1972-1973; 1991; История музыки Средней Азии и Казахстана. - М.,1995; Головина В. Новое в фортепианной музыке //Узбекская музыка на современном этапе. - Т.,1977; Головина В. Фортепианное творчество композиторов Узбекистана // Вопросы истории и теории музыки. Т.,1976; Гафурбеков Т. Мусиқа – менинг Борлигим. Музыка – моя Вселенная. Ташкент, 2015; Гафурбеков Т. Творческие ресурсы национальной монодии и их преломление в узбекской советской музыке. Т., 1987; Янов-Яновская Н. Узбекская музыка и XX век. - Т.,2007.

³Вызго Т. Развитие музыкального искусства Узбекистана и его связи с русской музыкой. - М.,1970. Головянц Т. Камерно-инструментальная ансамблевая музыка Узбекистана. - Т., 1990; Ганиева Л. Фортепианный дуэт в Узбекистане: проблемы интерпретации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата искусствоведения - Т., 2008; Закирова В. Концертные жанры в творчестве композиторов Узбекистана. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по искусствоведению - Т., 2018.

Бу соҳада ижро ва интерпретация муаммолари ёритилган Г.Коган, А.Корто, Г.Нейгауз, С.Фейнберг, А.Алексеев, Н.Корыхалова, Е.Либерман илмий ишлари муҳимдир⁴.

Ўзбекистонда чолғу ижрочилиги, жумладан, интерпретация масалаларига Д.Мурадованинг фортепиано мусикаси интерпретациясининг назарияси, тарихий аспекти ва асосий услубий тамойилларининг ўрганилишига қаратилган «Интерпретация фортепианной музыки» номли ўқув-услубий қўлланмаси мавжуд⁵. Ўзбекистон фортепиано мусикасининг ўзига хослиги, тенденциялари ва муаммолари Д.Хошимованинг «Фортепианные произведения композиторов Узбекистана. Черты стиля и интерпретации» номли диссертациясида тадқиқ этилган⁶. Муҳим таҳлилий кузатувлар А.Шарипова, В.Долженкова, М.Гумаров, Н.Полатханова, Э. Миркасымова, С.Ғофурова ишларида; мусикий педагогика ва ижрочилиги масалалари пианиночи-педагоглар А.Геккельман, Г.Калмыкова, Д.Дониёр-Хўжаева, О.Юсупова Г.Ғуломова, Н.Лебедева, М.Файзиёваларнинг илмий мақолаларида баён этилган.

Илмий изланиш жараёнида муаллиф томонидан миллий фортепиано мактаблари асосида қилинган илмий ишлар - озарбайжон (Л. Ризаева, 1990), армян (К.Ананян, 2000), бошқирд (Н.Гарипова, 2010), рус (Н.Говар, 2013) билан танишиб чиқилди⁷. Шунингдек, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси кутубхонаси, Навоий номидаги миллий кутубхона, композитор ва мусикачи-пианиночилар шахсий архивлари материалларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат консерваторияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Миллий ва жаҳон мусиқа санъати соҳасида профессионал кадрлар тайерлашнинг илмий-ижодий тамойиллари” доирасида бажарилган.

⁴ Коган Г. Работа пианиста. М.,1963, Корто А. О фортепианном искусстве. М.,1965, Нейгауз Г. Об искусстве фортепианной игры. Записки педагога М., 1967; Фейнберг С. Пианизм как искусство. М.,1969; Алексеев А. История фортепианного искусства. Ч.1, 2. Изд.2-е. М.,1988. Ч. 3. М., 1989; Интерпретация музыкальных произведений. М.,1984; Корыхалова Н. Интерпретация музыки. Л.,1979; Либерман Е. Творческая работа пианиста над авторским текстом. М., 1988.

⁵ Мурадова Д. Интерпретация фортепианной музыки. Т., 2008.

⁶ Хашимова Д. Фортепианные произведения композиторов Узбекистана. Черты стиля и интерпретации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата искусствоведения. М. -1987.

⁷ Музалевский В. Русская фортепианная музыка. Л., М.,1949; Ризаева Л. Современная фортепианная музыка Азербайджана (проблемы творчества и исполнительства). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата искусствоведения. Л., 1990; Ананян К. Пути развития фортепианной миниатюры в творчестве армянских композиторов 20 века (К проблеме эволюции музыкального языка, фактуры, принципов формообразования, жанровой и образной структуры). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата искусствоведения. Ереван, 2000; Гарипова Н. Становление и развитие башкирского фортепианного искусства (исполнительство, образование, композиторское творчество). Диссертация на соискание ученой степени доктора искусствоведения. Магнитогорск, 2010; Говар Н. Фортепианная миниатюра в творчестве отечественных композиторов второй половины XX- начала XXI вв.: проблемы стиля и интерпретации. Диссертация на соискание ученой степени кандидата искусствоведения. М., 2013.

Тадқиқотнинг мақсади XX–XXI асрларда Ўзбекистон фортепиано санъатининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини тизимли таҳлил қилиш, асарларнинг ўзига хос жанр хусусиятлари ва талқин (интерпретация) тамойилларини аниқлашдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон профессионал фортепиано ижрочилиги ва таълимининг шаклланиш босқичларини аниқлаш;

фортепиано мусиқасининг ўзига хослигини очиб бериш;

юртимиз композиторларининг фортепиано асарларини жанрлар бўйича тизимлаштириш;

миллий тафаккурни акс эттирган муҳим фортепиано асарларини таҳлил қилиш;

замонавий фортепиано ижрочилиги ҳамда педагогикасини шакллантириш ва ривожлантиришда етакчи пианиночиларнинг ролини аниқлаш, ижодий фаолиятларининг муҳим босқичларини белгилаш;

замонавий пианиночиларнинг Ўзбекистон композиторлари ва жаҳон классиклари асарлари интерпретациясидаги ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XX–XXI аср оралиғидаги мавзуимизга оид услублар, мусиқий товушлар палитрасининг ўзига хослигини ифодаловчи Ўзбекистон композиторларининг турли жанрлардаги фортепиано асарлари ва уларнинг пианиночилар томонидан талқин этилиши танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон фортепиано ижодиёти ва ижрочилиги жараёнлари, маҳаллий ижрочиларнинг ўзбек ва жаҳон фортепиано мусиқаси интерпретациясининг хусусиятларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган тизимли-таҳлилий, қиёсий-тарихий, мусиқий-танқидий таҳлиллар каби методлар мажмуи қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

композиторлик ижодиётининг маҳсули бўлган Ўзбекистон фортепиано мусиқаси ижрочилик санъати асосида тўлақонли намоён бўлиши ва бу жараёнда бадиий талқин омили қарийб ҳал қилувчи аҳамият касб этиши далилланган;

Ўзбекистон композиторлари яратган соната, сюита, полифония ва миниатюра (прелюдия, токката, этюд) жанрларидаги асарлари бадиий талқин жараёнида миллий ўзига хос хусусиятларни янада ёрқин намоён этиши очиб берилган;

Европа композиторлари (Л.Бетховен, Ф.Лист, С.Рахманинов ижоди мисолида) фортепиано асарларининг ижрочилик интерпретациялари ижодий жараённинг амалий асосини ташкил қилиши аниқ далиллар билан исботланган;

мустақиллик йилларида Шарқ (темпераментлик, мелизматика, миллий чолғуларга тақлид қилиш) ва Ғарб (рационаллик, аниқлик, технологик тезлик) ижро маданияти тамойилларининг ўзаро уйғунлашувини мужассам этган ўзига хос ўзбек миллий фортепиано мактаби шаклланганлиги асослаб берилган;

фортепиано асарларини талқин этиш малакаларини шакллантиришда махсус таълим тизимидаги ўқув жараёнлари муҳим ўрин тутиши ёритиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ижрочилик, композиторлик ижодиёти ва таълим тизимидан иборат фортепиано санъати ҳақида тўлиқ тасаввурлар берилган;

Ўзбекистон композиторларининг асарлари жанрлар бўйича тизимлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги методлар ва назарий ёндашувларни қўллаш, расмий манбаларга таяниш орқали мустаҳкамланган; Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқув жараёнида, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари ишларида алоҳида йўналишда жорий этилган, радио дастурларда композитор ва ижрочилардан олинган суҳбатлар, тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти Ўзбекистон композиторлари ижодида фортепиано жанрларининг мамлакатимиз ва минтақамиз мусиқа маданияти кесимида замонавий ҳолатлари ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, қайд этилган хулосалар фортепиано мусиқасининг ўзига хос хусусиятларидан соҳа ижодкорлиги ва ижрочилигида янада самарали фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, Ўзбекистон мусиқа санъатини замонавий босқичда ўрганилган маълумотлардан “Ўзбек мусиқа тарихи”, “Замонавий мусиқа”, “Фортепиано мусиқаси интерпретацияси”, “Фортепиано санъати тарихи” каби фанлар бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини бойитиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон фортепиано мусиқасининг миллий ўзига хослигини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

композиторлик ижодиётининг маҳсули бўлган Ўзбекистон фортепиано мусиқаси ижрочилик санъати асосида тўлақонли намоён бўлиши ва бу жараёнда бадиий талқин омили қарийб ҳал қилувчи аҳамият касб этиши ҳақида олинган илмий натижалар асосида “Ўзбекистон” телерадиоканали орқали эфирга узатилган “Нотадаги тақдирлар”, “Мусиқада ҳаёт нафаси” туркум эшиттиришларининг сценарийлари тузилди (“Ўзбекистон” (83,3 FM) телерадиоканалининг 2019 йил 18 апрелдаги № 62-сон маълумотномаси). Натижада радиотингловчилар шу асосда мусиқа санъатидаги фортепиано ижодиётининг ўрни ҳақида муайян тасаввурга эга бўлган;

Ўзбекистон композиторлари яратган соната, сюита, полифония ва миниатюра (прелюдия, токката, этюд) жанрларидаги асарлари бадиий талқин жараёнида миллий ўзига хос хусусиятларни янада ёрқин намоён этиши ҳақидаги илмий натижалардан Ўзбекистон композиторлар ва бастакорлар уюшмаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг 2019 йил 19 апрелдан 01-07/04-136 маълумотномаси). Натижада пианиночилар ва композиторлар фортепиано

ижрочилиги борасидаги фикр ва қарашларига доир янги тасаввур ва хулосаларга эга бўлишига хизмат қилган;

С.В.Рахманинов фортепиано асарларининг ижрочилик интерпретацияси ижодий жараённинг амалий асосини ташкил қилишига оид илмий натижалардан Э.Дергачеванинг “Концертмейстерское мастерство (Изучение ранних романсов С.В.Рахманинова в классе концертмейстерского мастерства)” ўқув кўлланмасининг II боби ҳамда ”Концертмейстерское мастерство (Камерные вокальные сочинения С.В.Рахманинова в репертуаре пианиста – концертмейстера)” ўқув кўлланмасининг V бобида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 июндаги 89-03-2556-сон маълумотномаси). Натижада талабалар фортепиано ижрочилиги ҳақида аниқ билимга эга бўлганлар;

замонавий пианиночиларнинг жаҳон классиклари асарларини интерпретация қилиш, мустақиллик йилларида Шарқ (темпераментлик, мелизматика, миллий чолғуларга тақлид қилиш) ва Ғарб (рационаллик, аниқлик, технологик тезлик) ижро маданияти тамойилларининг ўзаро уйғунлашувини мужассам этган ўзига хос ўзбек миллий фортепиано мактаби шаклланиши масалаларига оид натижалар “Континент ФА” (фортепиано ансамбли) номли Республика Форум-фестивалида диссертация муаллифи томонидан ижро этилган М.Равель, Ф.Пуленк, А.Хачатурян асарларида намоён бўлди ва “Дом вдали от дома: развитие фортепианного ансамбля в прошлом и настоящем” номли Республика илмий-амалий конференциясида Ўзбекистонда фортепиано ижрочилигининг шаклланиши ва ривожланиши тарихи билан боғлиқ материаллар кўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йил 9 августдаги 01-11-14-1749 – сон маълумотномаси). Натижада фестиваль дастурлари мазмунан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та Халқаро ва 10 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 21 та мақола чоп этилган, жумладан Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (4 та Республика ва 1 та хорижий журналларда) нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 135 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий

натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон фортепиано ижрочилиги ва таълимнинг шаклланиши, ривожланиши”** номли биринчи бобда фортепиано ижрочилиги ва таълимнинг юзага келиши, ривожланиш тарихи хусусида фикр юритилиб, хронологиянинг асосий босқичлари ва фортепиано санъатининг шаклланиш жараёнлари ўрганилади.

Ўзбекистонда мусиқа таълими тарихи ҳақидаги алоҳида ишлар, шахсий суҳбатлар ва мусиқачи-пианиночиларнинг архивлари билан танишиш асосида фортепиано ижрочилигининг пайдо бўлиш замини кўрсатилиб, XX-XXI аср оралигидаги миллий ижрочилик мактабининг тадрижиёт манзараси, ундаги муҳим намояндаларнинг фаолият шакллари тақдим этилган. Замонавий фортепиано санъатининг ривожланиши, ижрочилик анъаналари ва уларнинг асосий хусусиятлари аниқланган.

Ижрочилик санъатининг шаклланишида Тошкентга XIX аср охирида ташриф буюрган чет эл мусиқачилари, жаҳон классик мусиқаси тарғиботчилари (В.Лейсек, В.Михалек, Ф.Седлячек, Ф.Смерчик, А.Эйхгорн, Н.Миронов, Д.Михайлов, Г.Подняшель)нинг фаолияти туртки бўлган. Ушбу даврда аҳолини мутлақо янги санъат тури – кўповозли ва клавишали, тембр ва товуш ранглариининг кўплиги жиҳатидан мураккаб бўлган фортепиано маданиятига жалб этиш асосий муаммолардан бири ҳисобланган. Фортепиано ижрочилигининг ривожланишига В.Буюклининг 1917-1920 йиллар давомида Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Кўкон, Наманган шаҳарларида берган концертлари алоҳида таъсир қилди. Кўпгина тақризлардан бирида: “В.Буюклининг аввалги концертлари Туркистон ўлкасининг барча шаҳарларида улкан муваффақият билан ўтказилди”⁸, дея баён қилинган.

Ўзбекистонда фортепиано санъатининг жадал ривожланиши, соҳа профессионализми, концерт ва ижодий ҳаётнинг тикланишига 1936 йилда очилган Тошкент давлат консерваториясида биринчилар қаторида педагогик ва ижрочилик тамойиллари Москва ва Санкт-Петербург фортепиано мактаблари анъаналарига таянган фортепиано факультетининг очилиши туртки бўлди. Кафедранинг асосий ўқитувчилари Москвадан келган мусиқачи-пианиночилар С.Козловский, Н.Яблоновский, А.Бирмак, Ш.Рохлина, А.Литвинов, Санкт-Петербурздан Т.Котляревская, А.Лисовскийлар эдилар. “Махсус фортепиано кафедрасида биринчилар қаторида педагогик фаолиятни бошлаганлар орасида таниқли ўқитувчилар: А.Гольдберг, Ф.Цареградский, А.Геде, А.Подгорный бўлган”⁹. Ўша йилларда профессионал мусиқачиларни тарбиялашга қодир бўлган ўн йиллик махсус мусиқа мактабларини яратиш зарурияти пайдо бўлганлиги натижасида В.Успенский номидаги РЎММИ ва Р.Глиэр номидаги РЎММИ ташкил этилди. Ўзбекистон фортепиано ижрочилиги ривожланишига

⁸ «Туркестанские ведомости», №67 (129). 15.06.1917.

⁹ Калмыкова Г. Страницы истории кафедры специального фортепиано Государственной консерватории Узбекистана//Вопросы музыкального исполнительства и педагогики. V. Ташкент, 2007. 143б.

буюк пианиночилар А.Гольденвейзер, Э.Гилельс, С.Фейнберг, Л.Оборин, Р.Тамаркина, А.Мерович, В.Софроницкий, Г.Коган, Ю.Венковнинг Тошкентда уюштирган концертлари ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

Юртимизда фортепиано таълимининг ривожланиш босқичлари Н.Яблоновский, З.Тамаркина, В.Слоним, Н.Рецкер, А.Геккельман, Р.Керер каби рус муסיқачилари ижодий фаолияти билан боғлиқ бўлган. Ушбу давр пианиночи-педагоглари каторида Ўзбекистон фортепиано мактабининг шаклланиш жараёнларининг бевосита иштирокчиси, катта педагогик-илмий изланиш олиб борган Г.Калмыкованинг номини эслаб ўтишимиз зарур.

1960-йиллар бошига келиб фортепиано мутахассислиги бўйича биринчи ўзбек профессионал кадрлари етишиб чиқдилар. О.Юсупова, Д.Дониёр-Хўжаева, Х.Азимов, С.Закиров, Д.Жаҳонгировалар шу қаторга киради. Уларнинг ижодий ўсишлари мамлакатда фортепиано санъатининг машҳурлашишига туртки бўлган.

1960-1970 йилларда Тошкент консерваторияси талабалари Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари танловларида иштирок этдилар. 1961 йил консерваториянинг “Махсус фортепиано” кафедраси битирувчиси Р.Керернинг (1923-2014; Э.Краузе, З. Тамаркина синфи) Бутуниттифоқ танловида ғолиб бўлгани Тошкент муסיқий ҳаётининг хайратомуз воқеасига айланди. Ўша йиллари пианиночиларнинг профессионал маҳоратини мукамаллаштиришга туртки бўлган кафедра концертлари, профессор-педагогларнинг синф кечалари, Ўзбекистон композиторлари муסיқаси фестиваллари мунтазам равишда ўтказила бошланди.

Ўзбекистон фортепиано педагогикасига Тамара Афанасьевна Попович бебаҳо ҳисса қўшган. У фортепиано чалишни ўзлаштириш бўйича ўзига хос услуб ишлаб чиқиб, бутун дунёда кенг эътирофга сазовор бўлган элликдан зиёд пианиночиларни тарбиялаган (А.Султанов, Е.Мурский, Ф.Хусанов, У.Палванов, Б.Абдураимов, Т.Салимджанова). Т.Попович педагогик методикасининг ўзига хос хусусияти эрта болаликдан мунтазам равишда ўтказиладиган кундалик машғулотлар асосида техник базанинг мустаҳкам пойдеворини яратишдан иборат эди.

1980-йиллар бошига келиб фортепиано ижрочилигининг савияси сезиларли даражада ўсганлигини кузатамиз. Бунинг далили Республика ва Бутуниттифоқ танловларида (улардан - VI (1980), VII (1985) - Республика ва VI Бутуниттифоқ (1981) - Тошкентда ўтказилган) юртимиз пианиночиларининг аҳамиятли сони қатнашганлигидадир. 1990-йилларда Тошкент консерваторияси талабалари Республика пианиночилар танловида фаол қатнашиб, совринли ўринларга эга бўлдилар.

Шундай қилиб, XX аср охирига келиб Шарқ (темпераментлик, мелизматика, миллий чолғуларга тақлид қилиш) ва Ғарб (рационаллик, аниқлик, технологик тезлик) ижро маданияти тамойилларининг ўзаро уйғунлашувини мужассам этган пианиночининг ўзига хос “ўзбек модели” шаклланди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, Ўзбекистон фортепиано санъати чет эл мамлакатларида тан олинган ютуқларга эришди ва биз жаҳон мусиқа майдонида тасдиқланган миллий фортепиано ижрочилик мактабининг шаклланганлигини эътироф этишимиз мумкин. Албатта, бу Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Махсус фортепиано” кафедраси ўқитувчилари, В.Успенский номидаги РСМАЛнинг фортепиано бўлими ўқитувчилари (Т.Попович, Е.Мовсисянц, Н.Васинкина, Л.Флорентьева, Т.Сотникова, М.Султанова, А.Ким, Л.Мухитдинова, Р.Абдуназаров), Р.Глиэр номидаги РСМАЛ ўқитувчилари (А.Данилова, Ю.Фелициант, В.Милова, Ж.Муратбекова, Г.Хасанова, И.Вахабова, Р.Палванов), вилоятлардаги ихтисослаштирилган санъат коллежлари ва БМСМлар ўқитувчиларининг ютуқларидир.

Педагогик, концерт-ижрочилик ва илмий-услубий фаолиятларини уйғунликда муваффақиятли олиб бораётган Ўзбекистон давлат консерваторияси ўқитувчиларидан О.Юсупова, А.Шарипова, Г.Ғуломова, М.Гумаров, Н.Полатханова, Э.Миркасымова, С.Ғофурова, М.Файзиевани алоҳида кўрсатиб ўтишимиз зарурдир.

Муסיқий таълимни Ўзбекистонда олган бир қатор иқтидорли замонавий пианиночилар ҳозирги кунда жаҳоннинг нуфузли сахналарида муваффақиятли ижролар билан чиқиб, чет элда сермахсул ижодий ва педагогик фаолиятларини давом эттирмоқдалар (И.Роянов, Б. Хакназарова, С.Юденич, Е.Мурский, Б.Ахмеджанова, Э.Небольсин, Ф.Хусанов, И.Гульзарова, Б.Абдураимов, В.Косьминов, Э.Котлыбулатова ва бошқалар).

XX-XXI аср бошларидаги фортепиано санъатининг ютуқларини жамлаганда, унинг шиддатли ривожини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбек мусиқа маданиятига Европа ижодиётининг энг яхши намуналари сингдирилди, пианизмнинг профессионал асослари мустаҳкамланди, фортепиано учун мусиқа яратган ёрқин миллий композиторлар шаклланди. Пианиночиларнинг катта миқдори, ижрочилик анъаналарининг қоришуви, юртимиз мусиқа санъатининг бугунги босқичида глобал маданиятга интеграциялашуви Ўзбекистон профессионал фортепиано ижрочилик санъатининг кенг кўламли ва серқирра манзарасини ташкил этади.

Шахсий ижрочилик ва педагогик услубига эга пианиночиларни Шарқ (медитативлик, ўзига хослик) ва Ғарб (бармоқларнинг аниқлиги, технологик тезлик) ижро маданиятининг бирлашуви, ўзбек мусиқа чолғулари ва анъанавий хонандалик усулларидан келиб чиққан фортепиано бўёқларининг ранг-баранглиги, миллий чолғуларда товуш чиқариш тамойиллари сингдирилган фортепиано ижрочилик омилларининг барчаси ўзбек фортепиано мактабига бетакрор ўзига хослик бахш этиб, жаҳон мусиқа майдонида эътибор ва эътирофга сазовор этади.

“Фортепиано мусиқасининг шакллари, жанрларининг ўзига хос хусусиятлари” номли иккинчи бобда юртимиз композиторларининг фортепиано санъати миллий ўзига хосликни интерпретация хусусиятларини юзага чиқариш нуқтаи назаридан ўрганилади. XX–XXI асрлар фортепиано мусиқасининг ривожланиши бўйича таҳлилий кузатувларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, эркин турдаги дастурий туркумли композициялар ва

миниатюраларнинг устувор йўналишларига айланган фортепиано мусикасининг сон ва сифат жиҳатдан ўсганлигига эътибор қаратишимиз керак. Соната сингари классик жанрга эҳтиёж унчалик кучли эмаслиги, унинг енгиллаштирилган варианты – сонатина эса ўз ўрнини йўқотмаганлигига амин бўламиз. Ўзбекистон композиторлари кескин драматик қарама-қаршиликдан узоқ бўлган, К.Дебюсси, М.Равель каби импрессионистларга хос товуш тембр бўёқлари воситалари ёрдамида ишланган соната форматини танлаганлар. Н.Зокиров, В.Сапаров, Э.Салихов, А.Мансуров, М.Отажонов, З.Ходиева каби композиторлар соната ва сонатиналарида муаллифларнинг Европа соната шакли анъаналарини енгиб ўтиб, миллий мақом қонуниятлари, шакл ва туркум тузилишларини юзага чиқаришга интилишлари кузатилади. Бу, айниқса, замонавий фортепиано ёзувлари усулларига, янгича тембр изланишларига бой бўлган Н.Зокиров сонаталарида ўз аксини топган. А.Мансуров сонатаси, Х.Рахимов сонатинасида миниатюризмининг бадиий концепция ҳолатидан эркин импровизацион йўл орқали жанрга мурожаат қилиш жараёнларини кўрсатиш зарур.

Кичик полифоник туркумнинг зарурий компонентларига бой бўлган анъанавий мусиқа қонуниятлари асосида қайта ижод этилган полифоник шакллар Н.Ғиёсов, А.Хошимов, Р.Абдуллаев, Х.Рахимов, Д.Янов-Яновский, М.Отажонов каби замонавий композиторлар ижодиётида оригинал тарзда ривожланиб, ўзбек халқ ижодига хос миллий тусни ёрқин ифодалайди. Полифоник унсурлар замонавий композиторлар томонидан кенг қўлланилиб, ХХI аср мусикасининг мавзу ривожига муҳим омил сифатида гавдаланади.

Ғарб мусикасида кенг тарқалган “прелюдия ва токката”, “токката ва fuga”, “импровизация ва токката” каби полифоник шакллар Ўзбекистонда ХХ–ХХI асрлар оралиғида, икки анъана – миллий (монодия) ва Европа (кўповозлик) тамойилларининг ўзаро таъсири натижасида яратилди.

Сюита композициялари ва миниатюра туркумларига мурожаат қилар эканмиз, Ўзбекистон фортепиано санъати айнан шу шаклларда ёрқин ва ўзига хос ривожланиб, унда асл миллий мусиқий анъаналар ва нота ёзувининг замонавий усуллари уйғунлашувини кузатамиз. Б.Гиенко, Р.Абдуллаев, М.Бафоев, Д.Сайдаминова фортепиано туркумлари бунинг ёрқин далилидир. Шунингдек, юксак маънавий қадриятларга йўналтирилган, композиторлар томонидан илҳомбахш куч билан тарихий хотира, дostonларга мурожаат қилиш натижасида яратилган дастурий туркумли асарларнинг миллий ўзига хосликка эгаллигини кўрсатиб ўтиш жоиз. Бу асарлар ижрочилик репертуарида кенг қўлланилиб, айнан уларда пианиночининг миллий ижро услуби кенг намоён бўлади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, миниатюра жанри бирмунча оммалашган бўлиб, унинг ривожланиши ва тадрижиёти сезиларли йўлни босиб ўтди: булар - дастлабки намуналар муаллифлари В.Успенский, Б.Надеждин, фортепиано миниатюрасининг барча жанрларида ёрқин ижод қилиб, ўз асарларида анъанавий мусиқанинг интонацион-ритмик тузилишига таянган Г.Мушелдан то ХХ–ХХI аср оралиғида ижод қилган Д.Сайдаминова, М.Бафоев, Р.Абдуллаев,

Х.Рахимов, Д.Омонуллаева, А.Хошимов, М.Отажонов, О.Абдуллаева, Х.Хасанова ва ҳозирги кун ёш авлод вакиллари Д.Зокирова, А.Хасанов, В.Хандамян, Н.Эркаев, Н.Махаров, А.Сафаров, М.Мухторов, Қ.Ғулумжоновгача бўлган композиторлардир. Ўзбекистон шеърини ва тасвирий санъатида ифодаланган Шарқ миниатюрасининг кўп асрлик анъаналари айнан шу жанрда алоҳида маҳорат билан акс этган. Услубий йўналишлар, композиция техникаси воситалари, чолғу тембр овози имкониятларининг кутилмаган ўзгаришлари замонавий композиторлар камер ижодиётига янги талқинда сингдирилган.

Ўзбекистон композиторлик ижодиётида мусиқий фикрнинг бадиҳавий ривожланиш белгиларини ўзида мужассам этган прелюдия кичик шаклларнинг марказийсидир. Б.Гиенко, А.Хошимовнинг “24 та прелюдиялар” номли туркумлари тоналликларнинг классик кетма-кетлиги – мажор ва минорнинг квинта доирасида навбатма-навбат келиши асосида яратилган¹⁰. В.Сапаровнинг “24 прелюдиялар” туркуми эса эркин шаклда ёзилган бўлиб, жаҳон эстрада-джаз мусиқасининг турли хил йўналишлари ва услубларини акс эттиради. Д.Сайдаминовнинг “Учта прелюдия ва яна ...” (учта прелюдия ва якунловчи миниатюра) номли туркумида интонация, жаранг, динамика ва ритм жабҳаларида янги усуллар ёрдамида юзага чиқарилган мусиқий баён ихчамлиги кузатилади. А.Мансуровнинг миллий негизли “Олтита прелюдия” туркуми қисқа мусиқий ҳикоялардан таркиб топиб, ҳар бир миниатюра оддий уч қисмли шаклда ёзилган. Ўзбекистонда прелюдия жанрига туркумдан ташқари мустақил пьеса сифатида Х.Азимов, С.Жалил, С.Хайитбоев, А.Малахов, Т.Курбонов, Н.Ғиёсов, Х.Рахимов, Н.Нарходжаев, Д.Сайдаминова, Д.Янов-Яновский ва бошқа кўплаб композиторлар мурожаат этганлар.

Шундай қилиб, иккинчи бобнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон фортепиано мусиқасининг ўзига хос хусусиятлари йирик шакллардаги асарларни таҳлил қилиш асосида юзага чиқарилади. Иккинчи бўлим фортепиано полифоник шакллари спецификасига бағишланган бўлиб, ўзбек мусиқа мероси монодия ресурсларининг айнан шу жанрга ўзига хос тарзда сингдирилиши яққол кўзга ташланади. Учтинчи бўлимда туркумли асарларнинг миллий шеърини ва тасвирий санъат билан чуқур боғлиқлигини очиқ бериш ташаббуси амалга оширилди. Барча қисмлар бўйлаб ўтган бош ғоя – Ўзбекистон фортепиано мусиқасининг дастурлилиги унинг миллий ўзига хослигининг асосий омилини белгилашидир.

Катта миқдордаги фортепиано асарларини таҳлил этиш давомида Ўзбекистон фортепиано мусиқасининг миллий ўзига хослиги икки йўл билан бойитилганлиги аниқланди:

- 1) Композиторлик: интонацион, тембрли, мавзувий, ритмик, фактуравий, структуравий.

¹⁰Эслатиб ўтиш жоизки, Ф.Шопен, А.Скрябин, Д.Шостакович, Д.Кабалевский, К.Кара-Караевларнинг “Прелюдиялар” туркумлари худди шундай тоналлик қонуниятига асосланади.

2) Ижрочилик: чалишнинг турли усуллари, тоққаталиликнинг устунлиги, педалнинг ўзига хос қўлланилиши, мусиқий фикрнинг эркин бадиҳавий ифодаси, ўзбек халқ чолғулари тембрига яқинлаштирилган жаранг.

Ҳар бир асар миллий ўзига хосликни эгаллашда ўз йўналишига эга ва бу:

- ғоянинг янгилигига;
- композиторнинг профессионаллик даражасига;
- асарни ижро этаётган пианиночи маҳоратига боғлиқдир.

Диссертациянинг **“Фортепиано мусиқаси интерпретациясининг замонавий муаммолари”** номли учинчи бобида Ўзбекистон фортепиано мактаби намояндаларининг концерт-ижрочилик фаолияти кенг қўламда ёритилиб, ҳар бир қисмда ўрганилаётган композиторнинг муайян асари мисолида юртимизнинг замонавий пианиночиси ижросидаги интерпретация хусусиятлари таҳлил қилинди.

Жаҳон фортепиано классикаси дурдоналарининг интерпретацияси ижрочилик санъатининг мураккаб муаммоларидан биридир. Ўзбекистон замонавий пианиночилари жаҳон фортепиано мусиқасига мунтазам равишда мурожаат қиладилар. И.С.Бах, Й.Гайдн, В.А.Моцарт, Л.В.Бетховен, Ф.Шуберт, Ф.Шопен, Ф.Лист, С.Рахманинов асарлари махсус фортепиано синфида шартли тарзда ўрганилиб, пианиночиларнинг концерт репертуарлари ва танлов дастурларида етакчи ўрин эгаллайди. Бунда асосий эътибор композициясининг классик жиҳатдан мукамаллиги, пианизмининг аниқлиги, фикрининг равшанлиги ва мусиқий ривожланишнинг мантиқийлиги билан ўзига жалб этган Л.Бетховен ижодига қаратилиб, турли йилларда композитор ижодига бағишлаб ўтказилган концертлар (Н.Рецкер ижросида барча фортепиано сонаталар; «Прометей» фестивали – фортепиано концертлар ижрочилари: О.Юсупова, Г.Ғуломова, С.Гафурова, Б.Ахмеджанова, Н.Полатханова; С.Гафурова ижросидаги “Бетховеннинг барча фортепиано концертлари”) ва фортепиано асарларини интерпретация қилиш масалалари кўриб чиқилади.

Жаҳон фортепиано классикасини юртимиз пианиночилари интерпретациялари мисолида таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги баъзи услубий муаммолар ойдинлашди:

- Суръат тезлигидан оғиш, аритмиялик (айниқса, суръатни тезлаштириш ҳолатлари кўп учрайди): бу жаҳон классик мусиқасининг ишончли интерпретациясини белгиловчи омили бўлган мутаносиблик, шакл яхлитлигининг бузилишига олиб келади.
- Ўнг педални меъеридан ортиқ қўллаш ёки педални етарлича тозалаб турмаслик классик-композиторлар услубига зид бўлган ижронинг акустик шовқинини яратади. Бу хусусда мусиқашунос Хуго Риманнинг қуйидаги фикри эътиборлидир: “Янги гармония бошланишидан олдин демпферларни тушириш ва уларни бармоқлар урилиши билан кўтариш ўрнига, оёқни янги гармония билан бирга кўтариб, педални бармоқ урилиши билан бирга босишга ўрганиш керак”¹¹.

¹¹Грундман Г., Мис П. Как Бетховен пользовался педалью? //Музыкальное исполнительство. Вып.6. М.,1970, 218 б.

Ўзбекистон пианиночилари ўзига хос бадиий фикрлаш ва ҳаёлий олам билан ажралиб турадиган турли хил миллий мусиқий мактабларининг композитор-романтикларидан Ф.Шопен, Р.Шуман, Э.Григ, И.Брамс асарларига кўпроқ мурожаат қиладилар. Ф.Листнинг фортепиано ижоди эса доимий равишда долзарб бўлиб, мусикачиларда катта қизиқиш уйғотади. Таъкидлаш жоизки, жаҳонда буюк композитор мусиқасининг турфа хил интерпретациялари мавжуд бўлиб, жумладан Ўзбекистоннинг кўпгина пианиночилари унинг асарларини меъёридан ортиқ романтик талқин қилишга берилиб, улар ижросида шиддатли темп ва учқунли пассажлар ҳукмронлик қилади. “Виртуоз касаллик” кўпинча ёш пианиночиларда кузатилиб, педагоглар томонидан ўз вақтида керакли оқимга, ижронинг бадиий мазмунига йўналтирилади. Ф.Лист асарлари интерпретациясида трансцендент техника, виртуозлик ғоявий мазмунни очиб бериш воситаси сифатида хизмат қилиб, ижро этиладиган мусиқани бадиий мақсадига мувофиқ чалиш талаб этилади.

Турли мамлакат ва мактаблар пианиночилари учун намунага айланган С.Рахманинов фортепиано ижодига Ўзбекистонда ҳам эҳтиёж жуда катта. Шу жумладан, 1950-йилларда С.Рахманинов фортепиано ижодига Ш.Рохлина, В.Слоним, З.Тамаркина, А.Геккельман ва бошқалар мурожаат этишган. XX–XXI асрлар оралиғидаги аҳамиятли тадбирлардан Рахманиновнинг 125-йиллигига бағишланган концертлар туркуми (ижрочилар - Г.Ғуломова, М.Железнов, И.Роянов, О.Иванов, Б.Хакназарова), шунингдек композитор таваллудининг 130-йиллиги ва хотирасининг 60-йиллигига бағишланган «Рахманинов кечалари» фортепиано, вокал, ансамбль, симфоник мусиқаси фестивали (фортепиано асарлари ижрочилари – З.Мухаммажоновна, С.Гафурова, Э.Миркасымова, А.Шарипова, Б.Ахмеджанова, М.Гумаров, М.Файзиева, А.Вишневский).

Композитор асарларни чалиш услуби, ўзининг чуқур мазмунли ижроси, товуш чиқариш маҳобати, мусиқанинг интонацион бойлигини ифодалаш ва фортепианода “қуйлаш” фазилатлари билан ажралиб туради. Маълумки, С.Рахманинов ўз асарларининг ижрочиси бўлиб, унинг бу ижодий анъаналари ҳам Ўзбекистон фортепиано маданиятида ўз аксини топди¹². С.Рахманинов мусиқаси оддий ижрони қабул қилмайди, у “хиралашиб, кучсиз ёки сентименталга айланади – бир сўз билан айтганда, ўз ҳаётий шаклини йўқотади”¹³. Назаримизда, С.Рахманинов асарлари устида ишлайдиган ҳар бир пианиночи, композитор фортепиано мусиқасининг эстетикаси ижрочи учун янги қирраларни излаб топиш учун тинимсиз меҳнат сари етаклайдиган психологик нюанслар ва эмоционал контрастларнинг сербўёқлигида ифодаланишини эслаб қолиши зарурдир.

